ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ HÁM ORTA ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI

ÁJINIYAZ ATÍNDAĞÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ

# ILIM hám JÁMIYET

**Ilimiy-metodikalıq jurnal**

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

# FAN va JAMIYAT

**Ilmiy-uslubiy jurnal**

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

# НАУКА и ОБЩЕСТВО

**Научно-методический журнал**

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

# SCIENCE and SOCIETY

**Scientific-methodical journal**

**№4**

**2018**

ҳолларда педагогик технологияларнинг мақсадлари, мазмуни, воситалари ва қўлланиш методларига кўра ўхшашликларини қайд этиш лозим. Шунинг уларни таснифлаш зарурияти мавжуд. Бундай таснифлашни Г.К.Селевко томонидан амалга оширилганлиши кўриш мумкин [4].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, замонавий педагогик технологиялар асосан, Я.А.Каменский томонидан яратилган синф-дарс тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Талабалар мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича технология элементларини танлашда биз компетентли ёндошув тамойилларини дастури амал қилиб олдик. Бунда профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг мустақил таълим олиши, ўзининг мустақил фаолиятини ташкил қилиши, ўз-ўзини назорат қила олишини таъминлашга йўналтирилган ўқув-ижодий фаолиятини лойиҳалай олишига асосий эътиборни қаратдик. Мисол учун лойиҳа технологиясини қарайлик. Бу технологияни қўллаш қуйидаги босқичлардан иборат: лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, натижаларни расмийлаштириш, тақдимот қилиш, хулосалар чиқариш. Иккинчи мисол сифатида муаммоли таълим технологияларини олиш мумкин. Талабалар мустақил ишларини ва шу асосда мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва ривожлантиришда муаммоли таълим жуда муҳим омил ва воситадир. Муаммоли таълим технологияси маълумки муаммоли вазиятларни яратишга ва уни ҳал қилишга асосланади. Кўзатишларимиз, баъзи хориж тажрибаларини ўрганиш ва таҳлиларга асосланиб таъкидлаш мумкинки таълим жараёни мақсадга йўналтирилган муаммоли саволлар, муаммоли топшириқлар, муаммоли вазиятлар асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятларини ташкил этишга йўналтирилган бўлса, бундай ёндошув талабаларнинг мустақил ўқиши, мустақил фикрлаши, мустақил таълим олишини, изланиш фаоллигини хулоса қилиб айтганда касбий компетентлигини ривожланишига хизмат қилади.

Кафедрамизда олиб борилаётган баъзи тажриба намуналарина асосланиб таъкидлаш мумкинки, информатика ва АТ фанини ўқитишда муаммоли таълим технологиясини қўллаш ва ундан фойдаланиш анчагина вақтни талаб этади. Аммо, шунга қарамасдан таълим жараёнида ушбу технологиядан фойдаланиш бўлажак педагогларда касбий педагогик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда энг истиқболли имкониятлардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Етакчи педагог олимларнинг таъкидлашича “педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириши” бу – педагогнинг ўз устида ишлаши ва ўз-ўзини ривожлантиришидир. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. “Ўз устида ишлаш – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши” дан иборат [2]. Шунингдек, ушбу ўқув методик қўлланмада педагогнинг ўз устида (мустақил) ишлашининг кўринишлари, босқичлари, ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўзини ўзи баҳолаш моҳияти ва йўллари, омиллари, модели, ўз-ўзини ривожлантириш каби категориялар муфассал баён қилинган.

Тадқиқотимиз доирасида олиб борилаётган назарий ва амалий изланишларимизга таяниб хулоса ўрнида айтиш мумкинки юқорида келтирилган педагог мутахассиснинг сифат кўрсаткичлари яъни, компетентликнинг энг зарур компонентларини шакллантиришнинг асоси, олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш давомида яратилиши керак. Бу эса талабаларда мустақилликни шакллантириш ва ривожлантириш орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Мақоламизнинг номланишида қўйилган мавзу бугунги куннинг ечимини кутаётган энг долзарб муаммоларидан биридир. Кейинган мақолаларимиз талабаларда мустақиллик сифатларини шакллантиришнинг амалий жиҳатларини ёритишга бағишланади.

Олиб борилган тажриба синов ишларимиз шуни кўрсатадики, талабалар мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилишни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкинлиги аниқланди: 1) ўқув ва илмий адабиётларни мустақил ўқиш ва ўзлаштириш технологиялари; 2) ахборотни ёзма равишда узатиш; 3) ахборотни оғзаки равишда узатиш; 4) манбалардаги таҳлилий маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усуллари ва воситалари: график ташкил этувчилар; 5) ҳамкорликда ўқишни ташкил этиш усул ва воситалари; 6) амалий вазиятларни ҳал этиш усул ва воситалари, case-study; 7) лойиҳалаштириш фаолияти услублари ва воситалари.

**Адабиётлар**


1. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие для студентов. -Ташкент: ТГЭУ, 2007. -С. 94.
2. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. /Монография. -Т.: Фан ва технология, 2004.
3. Беляева Л.А. Методологический статус компетентностного подхода. -Екатеринбург: 2012.
4. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. -М.: 1998.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилишнинг моҳияти аниқлаштирилган, компетентли ёндашувни амалга ошириш шароитида талабалар мустақил ишларини лойиҳалаш учун зарур бўлган компонентлар аниқланган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье уточняется сущность понятия “технология”, рассматриваются вопросы организации самостоятельной работы студентов, выявляются компоненты, необходимые для проектирования технологии самостоятельной работы в условиях реализации компетентностного подхода.

**SUMMARY**

The article deals with the interpretation of the essence of the concept «technology», the organization of independent work of students, the components necessary for designing the technology of independent work in the context of implementing the competence approach are revealed.


## SMART КУТУБХОНА ИШ ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ АЛГОРИТМИ


**Х.Атаджанов** – *ахборот технологиялари маркази бўлим бошлиғи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** smart технология, тизим, модел, излаш, карта, моделлаштириш алгоритми.

**Ключевые слова:** smart технология, система, модель, поиск, карта, алгоритм моделирование.

**Key words:** smart technology, system, model, search, map, algorithm of modelling.


Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши асосида интеллектуал тизим ва технологиялар яратилмоқда. Бу илм-фан янгиликлари ва ишланмаларини амалга тадбиқ қилиш натижаси ҳисобланади. Интеллектуал тизимлар таълим, молия каби соҳоларни кенг қамраб олмоқда. Бу инсонлардан

ушбу тизимлардан фойдаланишда кулайлик, вакт тежамкорлиги, масофадан хизмат кўрсатиш оркали ўз самарасини беради.Сўнгги йиллар ичида Smart технологиялар номи билан боғлиқ тизимлар хаётимизга кириб келди. Бу тизимлар инсон билан тизим орасидаги мулоқот шаклининг юқори қисмга кўтарилиши десак бўлади. Smart тизимда бир неча мураккаб қисмий тизимларни ўзида қамраган тизимдан иборат бўлади. Smart сўзи “ақлли” маъносида ишлатиб келинмоқда. Тугмасиз мобил телефонлар чиққанида Smartfon деб ишлатган-бу “ақлли” телефон маъносида қўлланилган. Ҳозирда Smart технологиялар ишлатилган тизимлар ақлли сўзи қўшиб ишлатила бошланди. Шундай тизимларга мисол сифатида банк терминали орқали нақд пулларни ечиб олиш тизими ҳам киради. Ушбу тизимда пластик картанинг ўзида бир неча тизимлар-банк билан боғланиш тизими, химоя тизими, идентификация тизимлари мавжуд. Банкоматда эса пластик картани ўқиш, идентификациялаш тизими, банклар билан таққослаш тизими, суммани ечиб бериш тизимлари қўлланилган. Буларнинг жамланмаси накдлаштириш тизими дейилади. Бу эса ўзида бир нечта тизимларни бирлаштирган улкан тизим ҳисобланади.

Таълим жараёнига ҳам ушбу технологиялар аста-секин кириб келмоқда ва бу жараён давом этиши шубҳасиз. Таълим жараёнида масофадан ўқиш, онлайн дарсга қатнашиш, ақлли кутубхона, талабалар билимини назорат қилиш каби тизимларини ушбу технологиялар асосида қуриш мумкин. Агар smart кутубхона-ақлли кутубхона қурмоқчи бўлсак бу катта тизимлар ва комплекс йиғмаси бўлиб, ўзида китоб, журнал ва газеталарни излаш тизими, абонентларни рўйхатга олиш тизими, масафодан туриб китоблар ҳақида аннотация шаклида маълумот бериш, китоблар ва ахборот ресурслар фонди базасини шакллантириш, фонднинг фойдаланувчилар орасида айланишини назорат қилиш, фойдаланувчилар тарафидан янги китобларга таклиф бериш, қарздорлик бўйича СМС хабар жўнатиш тизими каби мураккаб тизимларни ўз ичига олган улкан бирлашган тизимдан таркиб топади [1;2].

Ушбу тизимлар янги технологияларни - инновацион технологиялар ва дастурий воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Барча маълумотлар фойдаланувчиларнинг шахсий кабинетида сақланиб туради. Барча ёзишма ва базалар тегишли кунлик архив килинади, тизим янада хавфсиз ва мукаммал қилиб беради.

Smart кутубхонада ахборотларни излаш талаба ва профессор-ўқитувчилар учун хар хил бўлади. Талабаларга дарсликлар керак бўлса, ўқитувчилар учун илмий ишланмалар зарур бўлади. Талабалар асосан ўқув услубий кўринишидаги маълумотлар зарур бўлади. Тизимда профессор-ўқитувчилар тарафидан талабалар учун қайси ўқув адабиётларни ўқиши ва фойдаланиши бўйича кўрсатмалар пакети берилади. Профессор-ўқитувчиларга дарс учун зарур бўлган ахборотларни излаш, илмий ишлар бўйича янги маълумотлар тўплаш каби ахборот тизимлари ишлатилади.

Ақлли кутубхона тизимига кириш учун фойдаланувчиларга аъзолик ID карталари берилади. Агар бир таълим муассасида 7000 нафар атрофида талабалар ўқиса кунига уларнинг 1000 нафари хар хил кўринишида маълумотлар излаш учун кутубхонага муражаат қилиши мумкин. Бу умумий талабаларнинг 15% атрофини ташкил қилади. Бу эса кутубхона ходимларида жуда катта хажмдаги ахборотни қайта ишлаш зарурати туғилади. Ушбу ишларнинг деярли барчасини Smart тизимга юклаб қўйиш мумкин.

Аклли кутубхонада таълим учун зарур бўлган барча ахборот ресурсларини олиш имкони яратилади. Тақдимотдан тортиб, дарсликларгача, курс ишидан тортиб, докторлик диссертацияларигача фойдаланувчилар саралаб олиш имконини бериши мумкин. Қуйида Smart кутубхонани ташкил қилиш модели ишлаб чиқилган бўлиб, улар бир неча модулларга тақсимланади. (1-расм)




Расм.1. Smart кутубхона модуллари схемаси.

Ушбу тизим бир нечта модуллар бўлинган, аниқ бир функцияни бажариш учун мўлжалланган бўлиб, улар қўйидагилар бўлинади:

1. Рўйхтага олиш карта ва ID бериш тизими:

Ушбу тизим янги келган фойдаланувчини рўйхатга олади ва базага киритади. Ҳар бир фойдаланувчига ID карта берилади. Ушбу картада фойдаланувчининг барча маълумотлари киритилади. Фойдаланувчининг расми, фамилияси, исми, туғилган йили, факультети, кафедраси, курси, таълим тили, қизиқишлари. Ушбу маълумотлар махсус қурилма ёрдамида смарт карта тайёрланади. Ушбу карта орқали кутубхонага кириш ва фойдаланиш имкони мавжуд бўлади.

2. Китоб, газета ва журналлар базаси киритиш ва чиқариш тизими:

Ҳар фойдаланувчи учун зарур бўлган ресурслар банки ушбу тизимга киритилади. Янги келган китоб ва даврий нашрлар ушбу тизим орқали киритилади ва чиқарилади. Китобларнинг аннатацияси ва қисқа мазмуни ҳақида маълумот олишлари берилади.




3. Идентификациялаш тизими:

Фойдаланувчи кутубхонага кириш қисмида идентификациялаш – руйхатга олиш комплекси жойлашади. Ушбу комлекс орқали маълумотларни қидириш ва талабнома юборилади. IDкарта орқали тизимга кириб, пароль орқали тизимга кирилади. Агар масофадан туриб кирса унда кутубхонанинг порталига киориш учун логин ва парол берилади.

4. Китобларни талабнома асосида фондга юбориш ва қайта топшириш тизими:

## MAZ MUNÍ
### TÁBIYIY HÁM TEXNIKALIQ ILIMLER

**Biyologiya. Ekologiya.**

**Базарбаев Ж.** Арал дағдарысын сапластырыўдың жаңа стратегиясы ........ 3

### JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

**Huqıqtanıw**

**Реймбаев А.** Жаслар арасында жынаятшылықтың алдын алыўда ҳуқықый сана ҳәм хуқықый мәдениятты жетилистириў .. 6
**Тлеуов Е.** "Хуқуқий компетентлик" тушунчасининг назарий тавсифи ........ 7

**Tariyx**

**Қайпназаров А.Ш.** Қарақалпақстан салыгершилик илими тарийхынан ........ 9

### TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

**Til bilimi**

**Алламбергенова Г.** И.Юсупов поэзиясында сомантикалық фразеологизмлердиң стильлик қолланыўы ........ 11
**Галиева М.Р.** Проблемы обозначения и классификации религиозно маркированных фразеологических единиц ........ 13
**Ихласов У., Ихласов И.** Немис ҳәм қарақалпақ тиллеринде модал сөзлер ........ 15
**Искендерова Е.** Қарақалпақ нақыл-мақалларында жылқы атамаларының квантитатив-типологиялық өзгешелиги ........ 17
**Қунназарова Ш.М.** Қарақалпақ халық ертеклериндеги нақыл-мақалларды лингвомәдений үйрениўдиң әҳмийети ........ 19
**Шаниязов Б.Ж., Исмаилова Д.У.** Сопоставительный анализ значений компонентов фразеологических единиц в каракалпакском и английском языках ........ 21

**Ádebiyattanıw**

**Алламбергенова Г.К.** Қарақалпақ эпосларының жыйналыўы, басып шығарылыўы ҳәм изертлениўинде сырт ел алымларының тутқан орны ........ 23
**Жовлиев Б.** Мифологизм XX аср адабиётининг энг характерли ҳодисаси ........ 27
**Ктайбекова З.К.** Қарақалпақ гүррińинде хроникалық сюжет ҳәм авторлық шеберлик мәселеси ........ 29
**Reimboyeva L.D.** Qodiriyshunoslik tarixiga bir nazar ........ 31
**Рзаева Р.К.** Вопросы художественного перевода как средства межкультурной коммуникации ........ 33
**Сапаева Ф.** Махтумқулининг баъзи ўзбекча шеърлари таржимасида вазннинг аҳамияти ........ 35
**Сулаймонов И.И.** Бобурнинг давр ва кечмиш тарихига доир қарашлари ........ 38

### PEDAGOGIKA. PSIXOLOGIYA. METODIKA. PEDTEXNOLOGIYA

**Абдусаматов Х.У.** Никоҳдан ташқари муносабатларнинг оила мустаҳкамлигига таъсири ........ 42
**Адинаев Ш.Ш.** Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилишнинг педагогик технологиялари ........ 43
**Атаджанов Х.** Smart кутубхона иш фаолияти жараёнларини моделлаштириш алгоритми ........ 45
**Айтымбетов Н.З.** Физика ўқитишда лаборатория ишларини ўтказиш методикаси ........ 47
**Бауетдинов Р.А.** Тарийх сабақларында тарийхый дереклерден пайдаланыў усыллары ........ 49
**Бектурсынова Л.Х.** Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш моделлари ........ 51
**Даўлетмуратова Э., Маткаримова М., Оңғарбаева М.** Киши жастағы мектеп оқыўшыларын мийнетке қәлиплестириў машқалалары ........ 53
**Джумагулов З.У.** Ўқув машғулотларида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг индивидуал ишини тўғри ташкил этиш ........ 55
**Есбергенова Г., Ганиева З.** Особенности обучения иностранному языку детей дошкольного возраста ........ 57
**Есбоғанова Б., Халимов М.** Чизмачилик фанидан талабаларнинг фанни ўзлаштирмаслик сабаблари ва унинг олдини олиш омиллари ........ 58
**Elmuratova A.S.** Some tips on the importance of creative writing in language classes ........ 62
**Гайназарова Г.** Мактабгача таълим муассасаси педагог ходимлари фаолиятида креативлик сифатлари ........ 64
**Хусанова М.** Фан ва тилни интеграллашган ҳолда ўқитиш (clil) дарсларидаги муаммолар ва уларни хал қилишда ўқитувчи маҳорати ........ 66
**Ибрагимова Л.А.** Балалар психологиясын раўажландырыўда қаракалпак халык аўыз-еки дөретпелеринин тутқан орны.. 68
**Jańabergenova A.** Matematika boyinsha auditoriyaliq sabaqlarda talabalardiń óz betinshe jumislarin shólkemlestiriw ........ 70
**Мадаминов Б.Н.** Бўлажак физика ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш ........ 72
**Маматов Д.Н., Балтабаев Ж.О.** Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини лойиҳалаштиришнинг дастурий ва методик таъминоти ........ 74
**Надырова А.Б.** Роль музыкально-теоретических дисциплин в процессе профессионального становления учителя музыки.. 76
**Нафасов Д.Ш.** Ўзбекистонда туризм соҳасидаги ислоҳотлар талабаларнинг туристик маданиятини такомиллаштириш омили сифатида ........ 78
**Orınbetov N.** Labview dasturi asosida virtual laboratoriya yaratish texnologiyasi ........ 80
**Пазылов А.К., Алламбергенов Е.К.** Қарақалпақ халық дәстаны «Шәрьяр» ҳәм тәлим-тәрбияның гейпара мәселелери .. 83
**Пазылова М.** Тәлим системасы сыпатын көтериў бүгинги күнниң актуаль мәселелеринен бири сыпатында........ 86
**Ruzimov Sh.** The significance of bilingual dictionaries in teaching english at school, lyceum, college and higher educational establishments ........ 88
**Садриддинов С.Р.** Камолот тизимида психологик ҳимоя (назарий ёндашув) ........ 89
**Сапарбаева М.** Психологические особенности учащихся начальных классов ........ 92
**Сулетбаева Э.С.** Ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашда психологик-ижтимоий муаммолар ........ 93
**Таспанова Ж.** Кадриятларни қадрлаш-гуманистик вазифамиздир ........ 95
**Уразимова Т.В.** Өзбекстан Республикасындағы үзликсиз көркемлик тәрбия системасында жеке адамның өзиниң дөретиўшилик мүмкиншиликлерин жүзеге шығарыўы мәселелери ........ 96
**Usenova G., Ganieva Z.** The use of games in teaching English ........ 97
**Шеримбетова З.Ш.** Психикалық жақтан артта қалған балалардың психологиялық өзгешеликлери ........ 99

**Dene mádeniyatı hám sport**

**Махмудов Б.А.** Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёрлаш параметрлари ........ 101
**Ядгаров Б.Ж., Утепбергенов А.К.** Сравнительная оценка физического развития спортсменов игровых видов спорта........ 102

### USTAZLAR SHEJIRESI

**J.Bazarbaev - 85**

**Алламбергенов К., Пазылов А.** Пидайы алым, пазыйлетли инсанның кәмил келбети ........ 105
**Абаев С., Алламбергенов Е.К.** Жасларға өмири өрнек болған устаз алым ........ 107
**Садыков С.** Кеңпейил, талапшаң ҳәм ғамхор устаз ........ 110